Достонлар антропонимикаси тизимида тарихий шахслар сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган номлар: хукмдорлар, олимлар, дин пешволарининг исмлари фаол қўлланилиши билан характерлидир. Жумладан: *Абу Бақр* (ابوبکر), *Абу Муслим* (ابومسلم), *Ҳазрати Али* (حضرت علی), *Афросиёб*, *Афлотун*, *Боязид*, *Биби Марям*, *Баҳовуддин*, *Искандар*, *Имоми Аъзам* (امام اعظم), *Луқмон*, *Шоҳ Маираб*, *Паҳлавон Маҳмуд*, *Муҳаммад* ва бошқалар.

Достонлардаги лақаблар. Кишиларга лақаб қўйиш ўзбек халқи орасида кенг тарқалган қадимий одатлардан бўлиб, ўзига хос илмий-назарий асосларга эга. Улар кишининг бирор (жисмоний ёки ақлий) бошқалардан фарқ қилувчи хусусияти, нуқсонлари ёки устунлиги, характери, шунингдек, антропологик тузилиши, баъзи ҳолларда, унинг этнографик белгилари асосида вужудга келади. мазкур Умуман, лақаблар, уларнинг номланиш принциплари ва типлари ҳақида айрим фикрлар айтилган¹³.

Хоразм достонларида ҳам бир қатор лақаблар учрайдики, улар достон қаҳрамонларининг ҳар бирига хос бўлган белги-хусусиятларни кўрсатиб туради. Масалан: *Бектош араб*, *Араб Райҳон*, *Сафар авзон*; *Гўрўглибек*, *Бекравшан*, *Тулумбий*, *Эрмонбий*, *Аҳмад сардор*, *Гўрўгли султон*, *Сафар маҳрам* кабилар.

Бадий қаҳрамон номлари. Достонларда қўлланилган бадий образларнинг номлари, хусусан, бош қаҳрамонлар номлари халқ орасида жуда кенг тарқалган. Шу сабабдан ҳам уларнинг кўпчилиги тарихий шахслар каби тилга олинади, севиб ардоқланади, кўпчилик оилаларда уларнинг исмларини ўз фарзандларига қўйишади. Жумладан, *Гўрўгли*, *Аваз*, *Равшан*, *Шаҳриёр*, *Бозиргон*, *Рустам*, *Хирмондали*, *Шоҳсанам* ва бошқа номлар хоразм достонларининг кўпчилигида мавжуд.

¹³ Ишаев А. Манғит шевашига оид кузатишлар. 1. Лақаблар ҳақида // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. Том II. –Тошкент: Фан, 1961. –Б. 229-235.

Бобнинг учинчи қисми «**Бошқа турдаги ономастик бирликлар**» деб номланади ва у хоразм дostonлари тилида қўлланилган **мифоним ва диний ситуатив номлар** тадқиқига бағишланган. Мифик номлар сифатида дostonларимиз тилида учрайдиган афсонавий отларнинг номлари (*Асти Жаҳонгир, Ботипон, Бўздумон, Буроқ, Кўктемир, Моргир, Мажнунқўк (баъзан Маждумқўк), Олмақўз, Паланг (баъзан Палангот), Сандал от, Қоратулпор, Ҳаволи қир, Ғирот, Ғиртой, Ғирқўк*) ҳамда айрим афсонавий қушлар ва илонлар (*Семурғ, Тарлон, Анқо; Аждаҳо, Мусна*) кабиларнинг номланиш тамойиллари ҳақида илмий мулоҳазалар юритилган.

Шунингдек: *Шаҳриёр, Анжум, Шамсун пари, Жайхун пари, Доробшоҳ, Гулчеҳра, Завриё, Қайтус, Фотима, Зухра, Саид, Ҳасанхон, Баҳовуддин, Зарнигор, Мехрибон, Олимхон, Султон Ваис, Алишер, Зулфиқор, Илёс, Ҳазрати Полвон, Рустам, Жаббор, Муртазо* каби диний-ситуатив номларнинг лисоний хусусиятлари таҳлил қилинган.

Ишнинг «**Атоқли отларнинг лисоний-таркибий таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида хоразм дostonлари тилида қўлланилган **атоқли отларнинг морфологик таркиби**, содда, қўшма ва мураккаб таркибга эга номлар тарзида текширилади. Айрим номларнинг тарихан бир неча қисмлардан ташкил топганлиги, ҳозирда эса яхлит ном сифатида талқин қилиниши каби ҳолатлар ҳақида мулоҳазалар берилган. Масалан, *Байрамали, Шоббоз* топонимлари; *Ботипон, Семурғ* зоонимлари; *Марим, Шихотой* антропонимлари ҳозирги шева вакиллари томонидан таркибий қисмларга ажралиши унутилган.

Атоқли отлар ўз лисоний табиатига кўра турғун, таржима қилинмайдиган, нисбатан консерватив қатлам бўлиб, дostonлар тилида яхши сақланган. Содда номлар таркибига кўра биргина луғавий асосдан (апеллятивдан) иборат бўлган бирликлардир. Жумладан: *Аваз, Авгон, Араз (дарё номи), Бону, Ганжа, Довуд, Жайхун, Зухро, Исо, Идрис, Кўфа, Лайли, Мори, Мусна (илон номи), Навфал, Найман, Овшар, Орзу, Паланг, Рустам, Равшан, Сертик, Сухроб, Сори, Тарлон, Тахмиз, Фаранг, Фарҳод, Халап, Хўтан, Ўжа, Ўрус, Човдир, Шом, Шош, Қамбар, Қақнус, Эймир, Яман, Язид* ва бошқалар шулар жумласидандир.

Айрим содда номлар таркибида аффикслик хусусиятини йўқотган бирликларни кузатамиз: Мисол: *Ақча, Кўкча, Моргир, Сувчи (аёл номи), Тоймас, Тўхтамиш, Хунхор* ва бошқалар. Шу билан бирга хоразм дostonлари тилида *Гўрўгли, Учгумбаз, Оқработ, Қизилжар* каби қўшма таркибдаги, *Уч юз олтамиш авлиё, Ошиқ Ойдин пир, Шайх Шароф эшон, Ганжи қорабоғ* каби мураккаб таркибга эга номлар ҳам фаол қўлланилганини кўриш мумкин.

Мазкур бобнинг иккинчи қисми эса, **номлар таркибида қўлланувчи индикаторлар** таҳлилга қаратилган бўлиб, у икки банд асосида “Антропонимлар таркибида қўлланувчи ономастик индикаторлар” ва “Топонимлар таркибида қўлланувчи ономастик индикаторлар” мавзулари остида таҳлилга тортилади.

Ономастик индикаторлар ном таркибида иштирок қилиб, номнинг характери, номланаётган объектнинг бошқа хусусиятлари тўғрисидаги

из свойств Аллаха. Этот компонент участвует также в составе имени Абдукаяхор, имеет значение раб покорителя, завоевателя (Аллаха).

Кроме того, в языке хорезмских дастанов значительно активны имена пророков с арабской основой. В частности, *Закариё* (в значении “Повторяющий имя Аллаха”), *Исҳоқ* (“смех, улыбка, смеяться”), *Лут* (“прилипнуть”), *Нуҳ* (“утешитель” в “Кисас ул анбиё” приводится как плачущий), *Ёқуб* (“последователь”), *Юсуф* (увеличивать, прибавлять, красивый), *Юнус* (“обладатель рыб”), *Яхё* (“величайший”) *Айюб//Аюб, Довуд, Идрис, Иброҳим, Исмоил, Сулаймон. Мусо, Исо* и другие.

ЗАКЛЮЧЕНИЯ

1. Изучение языка узбекских народных дастанов в разрезе система имен собственных даёт важные сведения для узбекского языкознания, в частности, ономастики. Ни один раздел языка не связан так тесно с историей народа как отрасль ономастики.

2. Как известно, язык фольклорных произведений по сравнению с языком художественных произведений более близок к народному разговорному языку. Поэтому имена собственные в хорезмских дастанах имеют особые фонетические, грамматические особенности. В частности, сравнительное изучение имен собственных в дастанах с туркменскими, каракалпакскими именами способствует более тщательному изучению истоков межъязыковых контактов, пониманию историко-эволюционных этапов.

3. Изучение морфемного состава имен собственных в тексте дастанов показало, что большая часть последних состоит из сложных или составных имен с более одним компонентом. Простых имен по сравнению с другими немного. В образовании сложных имен “ономастические индикаторы” участвуют как их важный составной элемент. Выясняется, что в ономастике фольклорных произведений таких индикаторов значительно больше по сравнению с системой антропонимов.

4. Большинство составных и сложных имен являются заимствованными из арабского, персидского языков, а большая часть простых имен относятся к тюркскому пласту. Среди составных и сложных имен в хорезмских дастанах встречаются также так называемые “гибридные имена”, не относящиеся к какому-либо определенному языку (тюркский+арабский; арабский+тюркский; персидский+арабский).

5. Если некоторые имена собственные, встречающиеся в хорезмских дастанах, это – архаизмы, то большинство из них активны и сейчас. Отдельные из них употребляются в настоящее время с определенными фонетическими изменениями. Благодаря сравнению имен собственных в дастанах с их вариантами в туркменском, каракалпакском языках установлено, что в них существуют лишь незначительные фонетические изменения, в большинстве случаев они имеют близкие друг другу форму. Если варианты имен в

местному населению как государственный язык и язык науки, особенно как язык религии. В результате, представители местного населения наряду с родным языком писали и говорили на арабском языке.

Арабский язык повлиял на узбекский язык не только как язык религии – язык ислама, но и как язык науки, язык официально-делового стиля, язык художественной литературы. Заимствование слов из арабского языка особенно усилилось в период узбекско-арабского билингвизма (VII-IX вв.)⁵². Таким образом, социальнополитические процессы в истории народа оставили свой след и в его языке. Господство арабов на протяжении нескольких веков в Средней Азии, влияние ислама на население этой территории стали причиной того, что в язык местного населения, особенно в его лексику было заимствовано множество арабских слов.

Арабские слова были заимствованы в языки народов Средней Азии, в основном с помощью письменной литературы на иранских языках⁵³. Отдельные слова, заимствованные из арабского языка, настолько диффузно слились с языками местных народов, что на сегодня невооруженным глазом сложно уловить их заимствованную природу. Как пишет профессор Ф.Абдуллаев, «мы полностью заимствовали такие слова и склоняем их как собственные слова, образуем новые производные слова с помощью присоединения к ним словообразовательных аффиксов»⁵⁴.

В ономастике хорезмских дастанов весомую часть составляют имена людей (антропонимы) с арабской основой. Большинство таких слов образуют имена Аллаха и слова, обозначающие его качества. В частности, *Абдулла* (“Влюбленный Гариб и Шохсанам”, “Гороглы”) – раб Аллаха; *Абдукодир* (“Гороглы”) – раб обладателя неимоверной силы и мощи; *Ахмадбек*, *Ахмадсардор* (“Гороглы”) – возвеличивающий Аллаха; *Ибн Хожиб* (“Гороглы”) – существует также форма *Хожибулло*, имеет значения слуга, охранник Аллаха, служащий во имя Аллаха; *Карам дали//Карам ўглон* (“Гороглы”) “карам” – один из качеств Аллаха, имеет значение щедрый, с широкой натурой; *Каримберди* (“Хирмон дали”) “Карим” – качество Аллаха, Каримберди – в значении данный Богом; *Раҳмон* (“Зулфизар”, “Ошиқ Албанд”) один из свойств Аллаха, ар-Раҳмон – в значении милосердный, добрый. В составе таких названий, как *Абдурахмон*, *Раҳмонберди*, *Раҳмонберди* активно используется этот компонент; *Сайфулло* (“Зулфизар”) – сабля, меч Аллаха или храбрый, смелый слуга Аллаха; *Саттор* (“Ошиқ Албанд”) – в значении прощающий, это имя одно из названий Аллаха; *Шайдулло(х)* (“Гороглы”) – красивый, прекрасный слуга Аллаха; *Қаҳҳор* (“Мискин и Гулканд”) – в значении покоритель, завоеватель, захватчик, один

⁵² Бегматов Э. Хозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент: Фан, 1985. –Б. 111

⁵³ Мадрахимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. –Тошкент: Фан, 1973. –Б. 41-42.

⁵⁴ Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари. I том. –Тошкент: Фан, 1948. –Б. 89.

ахборотларни ўзида сақлаган бўлади. Маълумки, З.Дўсимов индикатор (аникроғи, топонимик индикатор) атамасини ўзбек ономастикасига илк маротаба олиб кирган эди¹⁴. У жой номлари таркибида қатнашиб, улар ифодалаган объектнинг турини, характерини билдирувчи луғавий бирликларни *индикаторлар* деб изоҳлаган. Индикаторлар ўзи ифодалаётган объект ҳақида ахборот бериш хусусиятига эга.

Хоразм дostonлари тилидаги топонимик индикаторлар: *Эмрели*, *Ёвмут эли*, *Хизир эли*, *Али эли*, *Қарақала*, *Қалаиқум*, *Гургон дарё*, *Жайхун дарё*, *Асқартоғ*, *Балотов* ҳамда антропонимик индикаторлар: *Гулнихол*, *Гулойим*, *Гулой Олмагул*, *Меҳригул*, *Сарвигул* ёки *Шамсун пари*, *Ҳилол пари*, *Анқос пари*, *Анжум пари* ва бошқалар ўзига хос қирралари билан ажралиб туради. Улардан айримларини тилга олиб ўтамиз:

-хон индикатори. *Асадалихон*, *Алихон*, *Аразхон*, *Зиёдхон*, *Кунхон*, *Лаълихон*, *Мулойимхон*, *Оролхон*, *Оразхон*, *Саёдхон*, *Рўзахон*, *Таллихон*, *Тарлихон* ва бошқа киши номлари таркибида қўлланилган. Бу индикаторда гендер хусусият деярли сезилмайди, яъни эркак ва аёл кишиларга хос номларда бирдек қўлланилади.

-жон индикатори. Бу индикатор ҳам аёл ва эркак исмлари таркибида келади: *Албанджон*, *Асилжон* (аёл), *Ваисжон*, *Гулжон*, *Зеваржон* (эркак), *Камолжон* (аёл), *Маҳмуджон*, *Меҳрибонжон* (аёл), *Нажабжон*, *Норимжон*, *Олимжон*, *Сарвижон*, *Сўнажон*, *Санамжон*, *Шамсунжон*, *Қоражон* (эркак), *Ғуломжон* каби.

-шоҳ (шо) индикатори дostonлар ономастикасида, хусусан, антропонимлар таркибида жуда кенг тарқалган: *Анвар шоҳ*, *Басрашоҳ*, *Гўзалишоҳ*, *Доробшоҳ*, *Зеваршо*, *Искандаршо*, *Лакашо*(*Лаҳқа шоҳ*), *Одилшоҳ*, *Султоншо* ва бошқалар.

Ушбу компонент айрим ҳолларда номнинг олдидан ҳам қўшилиб келадик, улар изофавий бирликларнинг ономастик бирликка ўтишини юзага келтиради: *Шоҳи Мардон* (*мардларнинг шоҳи*), *Шоқаландар*, *Шовали*, *Шоҳжаҳон*, *Шоҳдархон*, *Шозаргар*, *Шоҳаббос* ва ҳоказолар.

Хоразм халқ дostonларида шоҳ компоненти аёлларнинг исмига ҳам қўшилиб келишини кузатиш мумкин: *Шомомо*, *Шомисқол* (*Мисқол пари*), *Шоҳсанам*, *Шоҳсултон* каби.

-ўғлон индикатори. Хоразм халқ дostonларида *Аваз ўғлон*, *Бўзўғлон*, *Жўвуд ўғлон*, *Карам ўғлон* ва бошқа номларда қатнашадиган бу индикатор қадимги туркий ёдномаларда турли фонетик шаклларда киши номлари таркибида учрайди. Унинг туркий тилларда *ўглан*, *оглан*, *улан* формалари ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда, асосан, *ўгил бола*, *йигит*, *ёш бола* маъноларида ишлатилади. Айрим тилларда “ўғлон” сўзи – *фарзанд*, *ёш бола* маъноларида ҳам қўлланилади. Масалан, *қиз ўғлон* (қиз бола), *ули ўғлон* (ўғил бола) каби. Турк тилида – *kiz oglan* (қизалоқ); туркманчада – *гыз өглан*; татарчада – *kiz uylan* (ёш қиз, қизча) маъноларида қўлланади. Бизнинг кузатишимизча, халқ дostonлари тилидаги *ўғлон* компоненти кўпроқ “ботир, мард, кўрқмас” каби

¹⁴ Дўсимов З. Топонимик индикаторлар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1972. №5. –Б. 71-74.

ментал маъноларда қўлланади. Шу сабабли ҳам, улар кўпинча бош қахрамон исмига қўшиб айтилади.

Оқ ва қора индикаторли номлар. Достонлар ономастик тизимида ранг билдируви сўзлардан, хусусан, *қора* ва *оқ* сўзи билан ҳосил қилинган номлар анчагина. Улар атоқли отларнинг барча турларига (антропоним, топоним, этноним, зооним ва ҳ) ҳосил: *Ақча, Оқдев, Оқработ, Қорадев, Қоражон, Қорабобо, Қоромон, Қорадали, Қораалам, Қорамалик, Қорабудоқ, Қоракўз, Қоратулпор, Қораманғит* ва ҳ.

-пари. Ушбу индикатор аёл исмлари таркибида қўлланадиган бирликлар орасида алоҳида ўринга эга. “*Пари*” русча “*фея*” маъносидан ташқари, “*гўзал, чиройли*” маъноларини ҳам англатади: *Анқос пари, Анжум пари, Гуласалпари, Мисқолпари, Юнуспари, Ҳилол пари, Савсон пари, Хўпнишон пари, Шамсун пари* ва бошқалар.

«Атоқли отларнинг тарихий-этимологик тавсифи» деб номланган учинчи боб “*Этник ва қайтариқ қўлланувчи номлар хусусида*”, “*Туркий асосли номлар*” ҳамда “*Туркий бўлмаган халқларга алоқадор этнонимлар*” деб номланган учта қисмга бўлиб тадқиқ этилган.

«Этник ва қайтариқ қўлланувчи номлар хусусида» Хоразм достонлари ономастикасида этник номлар салмоқли ўрин эгаллайди. Чунончи, хоразм достонларида учрайдиган *туркман, қирқ, қипчоқ, найман, дўрмон, қўнғирот, така-туркман, нўғой* каби уруғ-қабилла ва элатларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам Ўзбекистон ҳудудида яшаб келмоқдалар. Улар қадимда юртимиз ҳудудида ва ундан четда ҳам мавжуд бўлган ҳамда этник жиҳатдан туркий ва туркий бўлмаган кўпгина улуслар, элатлар, қабилалар, халқлар шаклида яшашган. Уларнинг тарихи, ижтимоий аҳволи, яшаш шароитлари ҳақида хоразм достонлари орқали қимматли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Улар ўзбек миллатининг шаклланишида иштирок этиб, унга сингиб кетганлар. Сўз хоразм достонлари ҳақида борар экан, бир ҳолатни таъкидлаш лозим. Гарчи Хоразмда яшовчи аҳоли ўзларининг қадимий уруғ ва қабилаларни унутган бўлсалар ҳам, этник номлар асосида вужудга келган жой ва киши номларида бу ҳолат сезилиб туради. Олимларнинг таъкидлашларича, этнотопонимлар энг қадимги номлар қатламини ташкил қилади¹⁵.

Қайтариқ қўлланувчи номлар сифатида эса оғзаки ва ёзма адабиётимизда такрорланиб қўлланилган *Зулайҳо, Сора, Ойша, Фотима Жамишд, Искандар, Сухроб, Тахмурад, Фаридун, Довуд, Масиҳо* каби номлар эътиборга олинган. Жумладан, оғзаки ва ёзма ижод намуналарида бирдек қўлланиб келинган *Кўҳи Қоф* (тоғ), *Кавсар* (булоқ, ҳовуз), *Раҳи* (от), *Семурғ* (қуш), *Мусна* (илон) сингари қайтариқ номлар таҳлили ҳам шу қисмдан ўрин олган.

Шундай экан, биз текшираётган ҳудуд қадимданок турли этник гуруҳлар тўқнашган, аралашган регион ҳисобланган. У ўзининг узок тарихи давомида генетик жиҳатдан турли ҳудудларга мансуб ва турли тилларда гаплашувчи халқларнинг яшаган макони бўлган. Ўша халқларнинг тарихий излари,

Язык тюркских народов издревле взаимодействовал с иранскими языками, проживавшими в Средней Азии. Таким образом, согдийские, хорезмийские элементы, встречающиеся в современных тюркских языках и узбекском языке, должны рассматриваться как результат межъязыковых контактов.

Следы иранских языков особенно заметны в лексике хорезмских диалектов. Как отмечает проф. О.Мадрахимов, «лексический пласт, касающийся ядра иранских языков превратился в органическую часть лексики огузских диалектов Хорезма. Это – слова, выражающие наиболее часто употребляемые в повседневной жизни предметы, слова обозначающие важные понятия»⁴⁹. Они настолько проникли в язык носителей диалектов, что порой очень сложно заметить, что эти элементы относятся к языкам других семейств. Основная причина этого, как отмечал Ш.Шоабдурахмонов, заключается в том, что «персидские слова проникли в узбекский язык и диалекты не только с помощью литературы, они проникали на протяжении многовековой совместной жизни этих народов, в силу потребности непосредственного контакта»⁵⁰.

В языке хорезмских дастанов особо выделяются среди названий иранского пласта ономастические единицы с участием лексемы “гул”. *Гулсал* (“Юсуф и Ахмад”), *Гулрух, Гулрухлари, Гулрухсор* (“Аваз женат”), *Гуландом* (“Гороглы”), *Гулиширин* (“Араб танган”), *Гулихиромон, Гулишан* (“Хирмондали”), *Гулжон, Гулқиз, Гулноз* (“Гулқизой”), *Гулжамила, Гулсарви* (“Эдиго”), *Гулчехра* (“Ошик Албанд”), *Гулчаман* (“Ошик Нажаб”), *Гулсутун* (“Шахриёр”) и другие.

Этот элемент, присущий почти всем языкам народов Средней Азии, может быть основой имени, а также присоединяться к основному имени: *Доногул* (“Доногул”), *Кукгул* (“Эдиго”), *Лолагул* (“Гул и Санобар”), *Новгул* (“Саёд и Хамро”), *Ойгул* (“Аваз”), *Окчагул* (“Юнус и Мискол”), *Олмагул* (“Зулфизар”), *Сарвигул* (“Хандон ботир”), *Тутигул* (“Гороглы”) и другие. Элемент “гул”, обычно, присоединяется только к женским именам. Однако, в дастане “Эдиго” встречается мужское имя *Кўкгул*: “...*Аммо, Кўкгул деган бола тамоми ўғлонларнинг ушоқларини утди...*”⁵¹

Наблюдения по антропонимам хорезмских говоров показали, что и в настоящее время встречаются такие имена, как *Гулмон, Гулиммат, Гулмирза*. Следовательно, этот элемент одновременно образуют и мужские имена.

Имена с арабской основой. В Средней Азии в эпоху арабского господства появились узбекско-арабские языковые связи. В эту эпоху арабский язык был широко распространен как государственный язык и язык религии, язык науки и официальных переписок. Арабский язык навязывался

⁴⁹ Мадрахимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. –Тошкент: Фан, 1973. –Б. 49.

⁵⁰ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. –Тошкент: Фан, 1962. –Б. 222.

⁵¹ Ошикнома.1-китоб. Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонов, С.С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2006. –Б. 198.

¹⁵ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. –Тошкент: Фан, 1985. –Б. 78.

к XIV веку полностью ассимилировался с узбекским языком⁴⁵. Поэтому большую часть ономастического фонда хорезмских народных дастанов образуют имена с тюркской основой. Ономастические единицы в тюркских языках, в частности, туркменском, азербайджанском и каракалпакском языках используются в языке хорезмских дастанов с отдельными фонетическими изменениями.

В хорезмских дастанах упоминаются много этнонимов с тюркской основой. Например: *Барлос* (“Хасанхон”), *Булгор* (“Хасанхон”), *Ёвмут* (“Гороглы”), *Жалойир* (“Гороглы”), *Кенагас* (“Эрхасан”), *Кўкланг* (“Гороглы”), *Мангит* (“Эдиго”), *Овшар* (“Гороглы”), *Сарой* (“Гороглы”), *Кунграт* (“Эдиго”), *Кипчак* (“Эдиго”), *Нугай* (“Хасанхон”), *Уйгур* (“Эдиго”), *Найман* (“Эдиго”), *Калфок* (“Эдиго”), *Нукус* (“Эдиго”), *Кангли*, *Хитой*, *Човдур* (“Эдиго”), *Дурмон* (“Гороглы”), *Эймир* (“Юсуф ва Ахмад”), *Эрсари* (“Гороглы”) и другие.

Отечественные ученые в своих работах приводят множество ценных сведений об этнических группах в составе узбекского народа и их номинации⁴⁶. Исследователи лексики дастанов отмечали, что наличие в наших дастанах множества слов, относящихся к кыпчакскому наречию узбекского языка, казахскому, каракалпакскому, ногайскому, а также татарскому, башкирскому языкам, объясняется тем, что эти языки и наречия относятся к одной группе⁴⁷.

Этнонимы нетюркских народов. В Средней Азии, в частности, в Приаралье издревле жили народы с разными языками и различными культурами. Они имели между собой политические, экономические и культурные связи. Поэтому, в народных дастанах встречаются художественно и стилистически отличающиеся этнонимы, а также, нетюркские этнонимы в силу исторической ситуации. В частности, такие слова, как *авгон*, *араб*, *жўвуд*, *курд*, *чурчут*, *қизилбош*, *қурайш*.

Названия с иранской основой. Язык тюркских племен и родов на территории современных хорезмских земель контактировал с персидскими и тюркскими языками на территории Ирана, которые существовали на данной территории с древних времен до приблизительно VI века⁴⁸. Древние тюркские племена, издревле проживавшие рядом, бок о бок, на одной территории с иранскими племенами, тесно контактировали с алтайско-монгольскими языками. Эти связи еще больше усилились в XIII веке во время монгольского захвата Средней Азии.

⁴⁵ Фрейман А.А. Хорезмийский язык. –М-Л.: Изд. Вост.литер, 1951. –Б. 32

⁴⁶ Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. 2-нашри. –Тошкент: Навруз, 2017. –Б. 16; Санакулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари. –Самарқанд: СамДЧТИ босмаҳонаси, 2011. –Б. 106-124.

⁴⁷ Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди тўплами. –Тошкент: Фан, 1967. –Б. 172

⁴⁸ Sanaqulov U. O'zbek xalqi va tilining ildizlari haqida tarixiy manbalar talqini. I qism. Monografiya. –Toshkent: Navro'z, 2015. –B. 53.

шубҳасиз, ҳозирда истиқомат қилаётган халқлар шевалари, шунингдек, уларнинг фольклорида ўз аксини топган.

Бобнинг «**Туркий асосли номлар**» қисмида хоразмийлар тарихи, умумтуркий асосга эга бўлган этнонимлар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилади. Хоразм воҳасида яшовчи аҳоли узоқ ва қадимий тарихга эга. Уларнинг тиллари ҳам мураккаб ривожланиш жараёнини бошидан кечирган. Тарихий манбаларда уларнинг тиллари ўзига хосликка эгаллиги ҳақида фикрлар мавжуд, лекин бу масала ҳозиргача ҳам мунозаралидир. Қадимги хоразмий тилга оид баъзи лексик бирликлар ҳозир ҳам сақланиб қолган¹⁶. Аслида, қадимий хоразм тили миллоддан аввалги даврлардаёқ туркий тилнинг ўғуз лаҳжасига сингиб кетган эди. Лекин уларнинг қадимий тилдан фойдаланиши араб ҳукмронлиги даврларида ҳам қисман сақланган бўлган. Чунки хоразмликларнинг миллоддан аввалги даврларда шаклланган ўзига хос ёзувлари VII-VIII асрларда ва ундан кейин ҳам учраши ҳақида тарихий маълумотлар бор¹⁷. Манбаларда ёзилишича, қадимги хоразмий тили XIV асрларга келиб ўзбек тили таркибига буткул қўшилиб кетган¹⁸. Шунинг учун ҳам хоразм халқ дostonлари ономастик фондининг катта фоизини туркий асосли номлар ташкил этади. Туркий тилларда, хусусан, туркман, озарбайжон ва қорақалпоқ тилларида мавжуд бўлган ономастик бирликлар хоразм дostonлари тилида, айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда кенг қўлланилади.

Хоразм дostonларида жуда кўплаб туркий асосга эга этнонимлар тилга олинади. Масалан: *Барлос* (“Хасанхон”), *Булгор* (“Хасанхон”), *Ёвмут* (“Гўрўғли”), *Жалойир* (“Гўрўғли”), *Кенагас* (“Эрхасан”), *Кўкланг* (“Гўрўғли”), *Мангит* (“Эдиго”), *Овшар* (“Гўрўғли”), *Сарой* (“Гўрўғли”), *Кўнгирот* (“Эдиго”), *Қипчоқ* (“Эдиго”), *Нўғой* (“Хасанхон”), *Уйгур* (“Эдиго”), *Найман* (“Эдиго”), *Қалфоқ* (“Эдиго”), *Нукус* (“Эдиго”), *Қангли*, *Хитой*, *Човдур* (“Эдиго”), *Дўрмон* (“Гўрўғли”), *Эймир* (“Юсуф ва Ахмад”), *Эрсари* (“Гўрўғли”) ва бошқалар.

Ўзбек халқи таркибидаги этник гуруҳлар ва уларнинг номланиши ҳақида олимларимизнинг кўплаган ишларида қимматли маълумотлар келтириб ўтилган¹⁹. Дostonлар лексикаси бўйича тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар дostonларимизда ўзбек тилининг кипчоқ лаҳжасига, ҳамда қозоқ, қорақалпоқ, нўғай, шунингдек, татар, бошқирд тилларига хос кўпгина сўзларнинг учраши мазкур лаҳжа ва тилларнинг бир гуруҳга тааллуқли бўлиши билан изоҳланишини қайд қилганлар²⁰.

¹⁶ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. –Тошкент: Фан, 1968. –Б. 109.

¹⁷ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. –Ташкент: Наука, 1974. –С.10; Sanaqulov U. O'zbek xalqi va tilining ildizlari haqida tarixiy manbalar talqini. I qism. Monografiya. –Toshkent: Navro'z, 2015. –B. 164 - 183.

¹⁸ Фрейман А.А. Хорезмийский язык. –М-Л.: Изд. Вост.литер, 1951. –Б. 32

¹⁹ Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. 2-нашри. –Тошкент: Навруз, 2017. –Б. 16; Санакулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари. –Самарқанд: СамДЧТИ босмаҳонаси, 2011. –Б. 106-124.

²⁰ Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди тўплами. –Тошкент: Фан, 1967. –Б. 172

Туркий бўлмаган халқларга алоқадор этнонимлар. Ўрта Осиё, хусусан, Оролбўйи худудидида қадимдан турли тилда гаплашувчи ва турли маданиятларга мансуб халқлар яшаган. Улар бир-бири билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқада бўлишган. Шу сабабдан, халқ дostonларида турли бадий ва услубий, шунингдек, тарихий вазият талаби билан туркий бўлмаган халқларга хос этнонимлар ҳам учрайди. Жумладан, *авгон, араб, жўвуд, курд, чурчут, қизилбош, қурайш* каби.

Эроний асосли номлар. Ҳозирги Хоразм еридаги туркий уруғ ва қабилалар тили ушбу худудларда қадимий даврлардан, аниқроғи мил.авв. VI асрларда яшаб келган²¹ эрон худудидидаги форсий ва туркий тиллар билан ҳам алоқада бўлган. Жуда қадимги даврларда эроний қабилалар билан бир худудда аралаш ёки яқин минтақаларда яшаган қадимги туркий қабилалар тиллари ҳам олтой-мўғул тиллари билан алоқада бўлган. Бу алоқалар XIII асрда мўғулларнинг Ўрта Осиёни истило қилиши даврларида янада кучайган.

Туркий халқлар тили жуда қадим даврлардан буён Ўрта Осиёда азалдан яшаб келган эроний тиллар билан алоқада бўлиб келган. Шундай экан, ҳозирги туркий тиллар ва ўзбек тилида учровчи сўғд, хоразмий тиллари элементлари қадимий даврларда юз берган тиллараро алоқалар натижаси деб қаралмоғи керак.

Эроний тилларнинг излари, айниқса, хоразм шевалари лексикасида жуда сезиларлидир. Проф. О.Мадрахимовнинг қайд қилишича, «эроний тиллар ўзагига алоқадор бўлган лексик қатлам Хоразмдаги ўғуз шевалари лексикасининг органик қисмига айланиб кетган. Улар кундалик ҳаётда кўп ишлатиладиган зарур ва муҳим тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир»²². Улар шева вакиллари тилга шу даражада сингиб кетганки, ҳатто, бу элементлар бошқа тил оиласига мансуб эканлигини баъзан пайқаш ҳам анча мушкул. Бунинг асосий сабаби, Ш.Шоабдурахмонов қайд қилганидек, «форсий сўзлар ўзбек тили ва шеваларига фақат адабиёт орқали кирмади, балки халқларнинг асрлар давомида бирга, ҳамкор ҳаёт кечиргани, бевосита муносабатида ўзаро бўлган зарурат туфайли кирган»²³.

Хоразм дostonлари тилида “гул” лексемаси иштирок этган ономастик бирликлар эроний қатламга мансуб номлар орасида анча фаоллиги билан ажралиб туради. *Гулсал* (“Юсуф ва Аҳмад”), *Гулрух*, *Гулрухнари*, *Гулрухсор* (“Аваз уйланган”), *Гуландом* (“Гўрўғли”), *Гулишин* (“Араб танган”), *Гулихиромон*, *Гулиан* (“Хирмондали”), *Гулжон*, *Гулқиз*, *Гулноз* (“Гулқизой”), *Гулжамил*, *Гулсарви* (“Эдиго”), *Гулчехра* (“Ошиқ Албанд”), *Гулчаман* (“Ошиқ Нажаб”), *Гулсутун* (“Шаҳриёр”) ва бошқалар.

Ўрта Осиё халқларининг деярли барча тилларига тааллуқли бўлган ушбу элемент номнинг асоси бўлиб келиши, шунингдек, номга қўшилиб ҳам келиши мумкин: *Доногул* (“Доногул”), *Кўкгул* (“Эдиго”), *Лолагул* (“Гул ва Санобар”), *Новгул* (“Саёд ва Ҳамро”), *Ойгул* (“Аваз”), *Оқчагул* (“Юнус ва Мисқол”),

встречающиеся в хорезмских дастанах, живут в Узбекистане и поныне. Они существовали издревле на территории нашей страны и за её пределами и жили в составе тюркских и нетюркских народов, этносов, племен и родов. Ценные сведения об их истории, социальном положении, условиях жизни можно получить из хорезмских дастанов. Они участвовали в становлении узбекского народа, влились в его состав. Когда речь идет о хорезмских дастанах, нельзя не отметить один факт. Несмотря на то, что народ, проживающий в Хорезме, уже давно забыл свои корни и свой древний род, они сохранились в составе топонимов и антропонимов, образованных на основе этнических названий. Как утверждают ученые, этнонимы образуют пласт самых древних названий⁴².

В качестве повторяющихся имен приведены следующие названия, которые используются в устной и письменной литературе: *Зулайҳо*, *Сора*, *Ойша*, *Фотима Жамшид*, *Искандар*, *Сухроб*, *Тахмурас*, *Фаридун*, *Довуд*, *Масиҳо*. В частности, в данном разделе приводится анализ повторяющихся имен, одинаково встречающихся в образцах устного и письменного творчества: *Кўҳи Қоф* (гора), *Кавсар* (родник, пруд), *Рахи* (конь), *Семурз* (птица), *Мусна* (змея).

Таким образом, исследуемый нами регион является таким местом, где издревле переплелись, смешались различные этнические группы. На протяжении своей долгой истории на этой территории жили генетически разные народы, говорящие на разных языках. Исторические корни этих народов, безусловно, нашли свое отражение в диалектах современных народов и их фольклоре.

В разделе главы «**Названия с тюркской основой**» приведена краткая информация об истории хорезмийцев, суждения об этнонимах с общетюркской основой. Народ, проживающий в Хорезмской долине, имеет свою далекую и богатую историю. Их язык претерпел сложный процесс развития. В исторических источниках имеются сведения о своеобразии их языка, но эта проблема до сих пор остается спорной. Отдельные лексические единицы, касающиеся древнего хорезмийского языка, сохранились и в современном языке⁴³. На самом деле, древний хорезмийский язык ещё до нашей эры был ассимилирован в огузское наречие тюркского языка. Однако и в период арабского халифата народы хоть и частично еще продолжали пользоваться этим древним языком, поскольку существуют исторические сведения о существовании собственного письма хорезмийцев в VII-VIII вв. и долго после этого⁴⁴. Как приводится в источниках, древний хорезмийский язык

²¹ Sanaqulov U. O'zbek xalqi va tilining ildizlari haqida tarixiy manbalar talqini. I qism. Monografiya. –Toshkent: Navro'z, 2015. –B. 53.

²² Мадрахимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. –Тошкент: Фан, 1973. –Б. 49.

²³ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. –Тошкент: Фан, 1962. –Б. 222.

⁴² Дўсимов З. Хоразм топонимлари. –Тошкент: Фан, 1985. –Б. 78.

⁴³ Усмонов С. Ўзбек тилининг лугат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. –Тошкент: Фан, 1968. –Б. 109.

⁴⁴ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. –Ташкент: Наука, 1974. –С.10; Sanaqulov U. O'zbek xalqi va tilining ildizlari haqida tarixiy manbalar talqini. I qism. Monografiya. –Toshkent: Navro'z, 2015. –B. 164 - 183.

индикатор **-шоҳ** (шо) широко используется в ономастике дастанов, в частности составе антропонимов: *Анвар шоҳ, Басрашоҳ, Гўзалшоҳ, Доробшоҳ, Зеваршо, Искандаршо, Лакашо(Лаҳка шоҳ), Одилшоҳ, Султоншо*.

Данный компонент иногда присоединяется к имени спереди, что является результатом трансформации изафета в ономастическую единицу: *Шоҳи Мардон (мардларнинг шоҳи), Шоқаландар, Шовали, Шоҳжаҳон, Шоҳдархон, Шозаргар, Шоҳаббос* и другие.

В Хорезмских народных дастанах компонент **шоҳ** может присоединяться к женским именам: *Шомомо, Шомисқол (Мисқол пари), Шоҳсанам, Шоҳсултон* и другие.

индикатор **-ўғлон**. В хорезмских народных дастанах этот индикатор встречается в составе имен *Аваз ўғлон, Бўзўғлон, Жўвуд ўғлон, Карам ўғлон* и других именах. Данный индикатор в древних тюркских источниках встречается в различных фонетических вариантах в составе антропонимов. В тюркском языке встречаются такие формы как *ўглан, оглан, улан*, в настоящее время, этот индикатор встречается в значениях *мальчик, парень, мальчишка*. В отдельных языках слово “ўғлон” используется также в значении *младенец, маленький ребенок*. Например, *қиз ўғлон* (девочка), *ули ўғлон* (мальчик). В турецком языке используются словосочетания – *kiz oglan* (девочка); в туркменском языке – *гыз өглан*; татарском языке – *kiz углан* (девочка, девка). Наши наблюдения показали, что компонент *ўғлон* в языке народных дастанов чаще встречаются в таких ментальных значениях, как “богатырь, храбрый, бесстрашный”. Именно поэтому они чаще присоединяются к именам главных героев.

Имена с индикаторами оқ и қора. В ономастической системе дастана очень много слов, образованных с помощью цветообозначающих слов, в частности, прилагательных *қора* и *оқ*. Они свойственны всем видам имен собственных (антропоним, топоним, этноним, зооним и др.): *Ақча, Оқдев, Оқрабат, Қорадев, Қоражон, Қорабобо, Қоромон, Қорадали, Қораалам, Қорамалик, Қорабудоқ, Қоракўз, Қоратулпор, Қорамангит* и др.

-пари. Этот индикатор имеет особое место среди единиц, обозначающих женские имена. “Пари” помимо значения *фея*” в русском языке, имеет также значения “красивый, привлекательный”: *Анқос пари, Анжум пари, Гуласалпари, Мисқолпари, Юнуспари, Ҳилол пари, Савсон пари, Хўпнишон пари, Шамсун пари* и др.

Третья глава «Историко-этимологический анализ имен собственных» состоит из трех разделов “*Об этнических и повторяющихся именах*”, “*Имена с тюркской основой*” и “*Этнонимы, связанные с нетюркскими народами*”.

В разделе “**Об этнических и повторяющихся именах**” приводятся сведения об этнических именах, занимающих важную роль в ономастике хорезмских дастанов. В частности, большинство названий племен и родов *туркман, қирқ, қипчоқ, найман, дўрмон, қўнғирот, така-туркман, нўғой,*

Олмагул (“Зулфизар”), *Сарвигул* (“Хандон ботир”), *Тўтигул* (“Гўрўғли”) ва бошқалар. “гул” элементи, одатда, фақат аёллар исмига қўшилиб келади. Аммо, “Эдиго” достонида *Кўкгул* шаклида эркак кишининг исми сифатида қўлланган: “...Аммо, *Кўкгул* деган бола тамоми ўғлонларнинг ушоқларини утди...”²⁴

Хоразм шевалари антропонимларини кузатар эканмиз, ҳозир ҳам *Гулмон, Гулиммат, Гулмирза* каби эркак кишиларнинг исмларини учратамиз. Демак, бу элемент бир вақтлар эркак исмларини ясашда ҳам қатнашган.

Арабий асосли номлар. Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида ўзбек-араб тиллари алоқаси юзага келди. Бу даврда араб тили давлат ва дин тили, фан ва расмий ёзишмалар тили сифатида кенг тарқалди. Араб тили маҳаллий аҳолига давлат ва фан тили, айниқса, дин тили сифатида мажбуран ўқитилди. Натижада, маҳаллий аҳоли вакиллари ўз она тили билан бир қаторда араб тилида ҳам ёзиб, ҳам гаплашадиган даражага етишди.

Ўзбек тилига араб тили фақат дин – ислом тили сифатида эмас, балки фан тили, расмий-идоравий услуб тили, бадиий адабиёт тили сифатида ҳам таъсир этди. Араб тилидан сўз олиш, асосан, ўзбек-араб билингвизми даврида (VII-IX асрларда) кучая борди²⁵. Шундай қилиб, халқ тарихида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар унинг тилида ҳам ўз изини қолдирди. Араблар томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва уларнинг узоқ давом этган ҳукмронлиги, ҳамда бу ерда яшовчи халқларнинг асрлар давомида ислом дини таъсирида бўлишлари маҳаллий аҳоли тилига, айниқса, унинг лексикасига араб сўзларининг сингиб кетишига сабаб бўлган.

Араб тилига хос сўзлар Ўрта Осиё халқлари тилига ёзма адабиёт орқали, асосан, эроний тиллардаги адабиёт орқали ўтган²⁶. Тарихан араб тилидан ўтган сўзларнинг айримлари ўзлашиб, ҳозирда бошқа тилдан ўтганлиги сезилмас даражага келиб қолган. Профессор Ф.Абдуллаевнинг қайд қилишича, «биз бундай сўзларни тамомила ўзлаштириб, ўз сўзимиздек турлайверамиз, ясовчи қўшимчалар воситаси билан улардан янги сўзлар ясаймиз»²⁷.

Хоразм достонлари ономастикасида арабий асосга эга бўлган киши номлари (антропонимлар) салмоқли ўринни эгаллайди. Бундай номларнинг кўпчилигини Оллоҳ ва унинг сифатларини англатувчи номлар ташкил қилади. *Жумладан, Абдулла* (“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли”) – Оллоҳнинг кули, бандаси; *Абдуқодир* (“Гўрўғли”) – мислсиз куч ва қудрат сохибининг(худонинг) кули; *Аҳмадбек, Аҳмадсардор* (“Гўрўғли”) – Аллоҳга кўп ҳамд қилувчи; *Ибн Ҳожиб* (“Гўрўғли”) – *Ҳожибулло* шакли ҳам мавжуд бўлиб, Аллоҳнинг қўриқчиси, хизматчиси, Аллоҳ йўлида хизмат қилувчи каби маъноларни билдиради; *Карам дали//Карам ўғлон* (“Гўрўғли”) “карам” – Оллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, бағри кенг, саховатли маъноларини билдиради; *Каримберди* (“Хирмон дали”) “Карим” – Оллоҳ сифати,

²⁴ Ошиқнома.1-китоб. Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2006. –Б. 198.

²⁵ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик катламлари. –Тошкент: Фан, 1985. –Б. 111

²⁶ Мадрахимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. –Тошкент: Фан, 1973. –Б. 41-42.

²⁷ Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари. I том. –Тошкент: Фан, 1948. –Б. 89.

